

**ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27/30.12.2019.Gr.47.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАКИМОВА ЗИЛОЛА ФАЗЛИДДИНОВНА

**ТОҒ ДАРЁЛАРИ ОҚИМИНИ ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИНИНГ
ТУРЛИ СЦЕНАРИЯЛАРИ АСОСИДА БАҲОЛАШ
(ЧИРЧИҚ-ОҲАНГАРОН ҲАВЗАСИ МИСОЛИДА)**

11.00.03-Қуруқлик гидрологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2024

**География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
географическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on geographical
sciences**

Хакимова Зилола Фазлиддиновна

Тоғ дарёлари оқимини иқлим ўзгаришининг турли сценариялари асосида
баҳолаш (Чирчиқ-Оҳангарон ҳавзаси мисолида).....3

Хакимова Зилола Фазлиддиновна

Оценка стока горных рек на основе различных сценариев изменения
климата (на примере Чирчиқ-Ахангаранского бассейна).....21

Khakimova Zilola Fazliddinovna

Estimation of mountain river runoff based on different scenarios of climate
Change (on the example of the Chirchik-Akhangaran basin).....39

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....43

**ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27/30.12.2019.Gr.47.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАКИМОВА ЗИЛОЛА ФАЗЛИДДИНОВНА

**ТОҒ ДАРЁЛАРИ ОҚИМИНИ ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИНИНГ
ТУРЛИ СЦЕНАРИЯЛАРИ АСОСИДА БАҲОЛАШ
(ЧИРЧИҚ-ОҲАНГАРОН ҲАВЗАСИ МИСОЛИДА)**

11.00.03-Қуруқлик гидрологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2024

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда глобал миқёсда кечаётган иқлим илиши жараёни табиий муҳитга, айниқса, унинг маҳсули бўлган чучук сув захираларига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу борада БМТнинг Бутунжаҳон маърузасида “Охирги 40 йил давомида сувдан глобал миқёсда фойдаланиш йилига тахминан 1% га ошиб бормоқда ва аҳоли сонининг ўсиши, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва истеъмол шакллари ўзгаришининг биргаликдаги таъсири натижасида, шу суръатда ўсишнинг 2050 йилгача давом этиши кутилмоқда”¹, деб таъкидланган. Ушбу вазият дарёлар оқимининг ҳосил бўлиши жараёнларига, уларнинг миқдори ва сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу ҳолат, иқлимнинг кутилаётган ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда, дарёлар сув ресурсларини яқин келажак учун баҳолашга қаратилган тадқиқотларни амалга оширишни тақозо этади.

Дунёда иқлим ўзгариши ва унинг ер усти сув объектлари ҳолатига таъсирини баҳолаш, сув ресурслари тақчиллигига сабаб бўлувчи иқлимий омилларни аниқлаш ва у билан боғлиқ гидрологик қурғоқчилик ҳодисалари бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, дарёлар сув ресурсларини яқин келажак учун баҳолаш имконини берадиган иқлимий моделлар ва улар асосида яратиладиган иқлим сценарияларини ишлаб чиқиш, дарёлар сув ресурсларидан барқарор ривожланиш мақсадларида фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва сув тақчиллиги муаммосини юмшатишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда, дарёлар сув ресурслари истеъмолчилари ва фойдаланувчилари ҳисобланган иқтисодиёт тармоқларида сувдан янада самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида, қатор тадбирлар амалга оширилиб, муайян ижобий натижаларга эришилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида «Сув ресурсларидан фойдаланиш механизмларини тубдан ислоҳ қилиш, улардан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш»² муҳим вазифа қилиб белгиланган. Уни амалга оширишда дарёлар ҳавзаларида кечаётган иқлим ўзгаришларини метеорология кузатиш маълумотлари асосида ўрганиш, дарёлар оқимининг иқлимий омилларга боғлиқлигини аниқлаш ва улар миқдорини келажак учун баҳолашда жаҳоннинг етакчи илмий марказлари таклиф этган иқлим сценарияларини қўллаш, бу жараён билан боғлиқ бўлган ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5742-сон, 2020 йил 10 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-6024-сон, 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси

¹ Всемирный доклад Организации Объединённых Наций о состоянии водных ресурсов, 2023 год. Водные ресурсы мира: спрос, наличие, качество. www.unesco.org/water/wwap.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони. <https://www.lex.uz>.

тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармонлари ҳамда 2023 йил 1 апрелдаги «Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-107-сон Қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳоннинг арид минтақаларида жойлашган дарёлар ҳавзаларида сув ресурслари шаклланишининг табиий географик, шу жумладан, иқлимий омиллари ва улар гидрологик режимининг глобал ҳамда маҳаллий иқлим ўзгаришларига нисбатан реакцияси масалалари L.Alfieri, B.Bisselink, F.Dottori, G.Naumann, K.Wyser, Ya.Kong, Z.Pang, A.Al-Alsheikh каби чет эллик олимлар томонидан тадқиқ этилган. Собиқ Иттифоқ ва МДХ мамлакатлари олимларидан Т.С.Абалян, С.К.Аламанов, М.Н.Большаков, М.И.Будыко, А.И.Воейков, В.Г.Глушков, А.С.Монин, Е.В.Петряшова, И.С.Соседов, Д.П.Соколов, Д.А.Бураков, О.И.Литвинова, Н.А.Мусатов ва бошқаларнинг изланишлари дарёлар сув режими турли фазалари оқими миқдорларини иқлимий омилларга боғлиқ ҳолда баҳолаш ва уларнинг натижаларидан иқтисодиётнинг ирригация, сув хўжалиги, гидроэнергетика каби тармоқларида фойдаланиш самарадорлигини ошириш масалаларини тадқиқ этишга қаратилган.

Ўзбекистонда дарёлар оқими миқдорини иқлимий омилларга боғлиқ ҳолда баҳолашга бағишланган илк тадқиқотлар Э.М.Ольдекоп, Л.К.Давыдов томонидан амалга оширилган. Кейинчалик мазкур масала билан В.Л.Шульц, О.П.Щеглова, З.П.Джорджио, Е.И.Гирник, П.М.Машуков, А.М.Овчинников, Д.Х.Салихова, Г.Е.Глазырин, Г.Н.Трофимов, В.Е.Чуб ва бошқа олимлар шуғулланганлар. Ҳозирги кунда иқлим ўзгариши ва унинг дарёлар сув режими ва оқими миқдорига таъсирини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар орасида М.Л.Арушанов, Б.К.Царев, С.В.Мягков, Ф.Ҳикматов, Л.М.Карандаева, Н.З.Сагдеев, Ғ.Х.Юнусов, С.А.Хайдаров, Д.М.Турғунов, Р.Р.Зияев, Н.Б.Эрлапасов кабиларнинг ишлари алоҳида эътиборга лойиқдир.

Юқорида номлари келтирилган олимларнинг тадқиқотларида дарёлар оқимининг ҳосил бўлишига иқлимий омилларнинг таъсири йирик дарёлар мисолида ўрганилган, лекин, уларда тоғ дарёлари оқимини дунёдаги илмий марказларда ишлаб чиқилган турли иқлим сценариялари асосида баҳолаш масалалари кўриб чиқилмаган. Диссертация шу муаммони Чирчиқ-Оҳангарон ҳавзаси дарёлари мисолида тадқиқ этишга бағишланганлиги билан юқоридаги тадқиқотлардан фарқ қилади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация

тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий тадқиқот ишлари режасининг ОТ-Ф5-13 - «Иқлим ўзгариши шароитида Ўзбекистон ва унга туташ ҳудудлардаги дарёлар гидрологик режими ва сув ресурсларининг шаклланиш қонуниятларини тадқиқ этиш» (2017-2020 йй.) мавзусидаги фундаментал ҳамда FZ-2020110111-сонли «Ўзбекистонда иқлим ўзгариши, қайта тикланадиган энергия ресурслари ва аҳоли саломатлиги» (2023-2025 йй.) номли Ўзбекистон-Германия ҳамкорлигидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тоғ дарёлари гидрологик режими ва оқими миқдорларини глобал иқлим ўзгаришининг турли сценариялари асосида яқин келажак учун баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

иқлим илиши шароитида асосий иқлимий кўрсаткичлар – ҳаво ҳарорати ва атмосфера ёғинларининг миқдорий ўзгаришларини Чирчиқ-Оҳангарон ҳавзаси мисолида баҳолаш;

дарёлар йиллик, мавсумий ва ойлик оқимлари миқдорларининг атмосфера ёғинлари ва ҳаво ҳароратига боғлиқлигини статистик баҳолаш;

дарёлар йиллик оқимини иқлимий омиллар – мавсумий атмосфера ёғинлари ва ҳаво ҳароратига боғлиқ ҳолда миқдорий баҳолаш усулларини такомиллаштириш;

дарёларнинг вегетация даври ҳамда унинг алоҳида ойлари оқимлари миқдорларини узоқ муддатли прогнозлаш, уларнинг аниқлигини баҳолаш;

дарёлар оқими миқдорини, глобал иқлим ўзгаришининг Ўзбекистон ва унга туташ ҳудудлар учун мослаштирилган сценариялари асосида, яқин келажак учун баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Чирчиқ-Оҳангарон ҳавзасидаги табиий гидрологик режимга ҳамда узоқ муддатли гидрологик кузатишлар қаторларига эга бўлган дарёлар танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети тоғ дарёлари оқимининг ҳосил бўлиш жараёнини иқлимий омилларга боғлиқ ҳолда ўрганиш ҳамда улар оқими миқдорини иқлим ўзгаришининг турли сценарийлари асосида яқин келажак учун баҳолаш масалалари ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда гидрологик ўхшашлик, географик умумлаштириш, замонавий гидрологик ҳисоблашлар ва прогнозлар, шунингдек, дарёлар оқимининг иқлимий омилларга боғлиқлигини ҳамда уларнинг иқлим ўзгариши натижасида яқин келажакда кутилаётган йиллик, масумий ва ойлик оқимлари миқдорларини баҳолашда эҳтимоллар назаряси ва математик статистика усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

иқлим ўзгаришининг асосий белгилари – ҳаво ҳарорати ҳамда атмосфера ёғинларининг миқдорий ўзгаришлари Чирчиқ-Оҳангарон ҳавзасидаги метеорология кузатиш маълумотлари асосида баҳоланган;

дарёлар оқими (Q , м³/с) билан қишки (X_k , мм) ва ёзги (X_e , мм) атмосфера ёғинлари ҳамда ёзги ҳаво ҳарорати (t , °С) орасидаги кўп ҳадли боғланишлар статистик баҳоланган, уларнинг регрессия тенгламалари тузилган;

кўп ҳадли боғланишларнинг регрессия тенгламалари асосида дарёларнинг йиллик оқими миқдорлари иқлимий омилларга боғлиқ ҳолда аниқланган;

дарёларнинг вегетация даври ва унинг алоҳида ойлари оқимини иқлимий омилларга боғлиқ ҳолда узоқ муддатли прогнозлаш услуги такомиллаштирилган;

глобал иқлим ўзгаришининг Ўзбекистон шароитига мослаштирилган сценариялари асосида дарёлар оқимининг асосий гидрологик кўрсаткичларини (Q , m^3/c ; W , km^3 ; M , $л/с \cdot km^2$; h , mm) яқин келажак учун миқдорий баҳолаш услуги ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тоғ дарёлари ҳавзаларида ўртача йиллик, вегетация даври ҳаво ҳарорати ҳамда йиллик, қишки ва ёзги атмосфера ёғинларининг иқлим илиши шароитидаги ўзгаришларини миқдорий баҳолаш усуллари такомиллаштирилган;

дарёлар оқимининг иқлимий омилларга боғлиқлиги статистик баҳоланган, ушбу боғланишларнинг регрессия тенгламалари ишлаб чиқилган;

тоғ дарёлари йиллик оқимини турли иқлим сценариялари асосида яқин ва узоқ муддатли келажак учун баҳолаш усуллари такомиллаштирилган;

дарёлар оқимининг, иқлим ўзгариши натижасида, яқин 30 йиллик келажакда кутилаётган миқдорий қийматлари баҳоланган;

дарёлар сув ресурсларидан истиқболда ичимлик, коммунал-маиший, қишлоқ хўжалиги сув таъминотида, шунингдек, гидроэнергетика ва бошқа соҳаларда самарали фойдаланишни ташкил этишнинг қўшимча имкониятлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги диссертация ишида Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг Гидрометеорология хизмати агентлиги (Ўзгидромет) тармоқларида стандарт талаблар асосида амалга оширилган ўлчашлар ва кузатишлар маълумотларидан бирламчи ахборот манбаи сифатида фойдаланилганлиги, уларни қайта ишлаш ва умумлаштиришда умумий қабул қилинган усулларнинг қўлланилганлиги, шу билан бирга, тадқиқот натижаларининг мазкур йўналишда илмий изланишлар олиб борган бошқа муаллифларнинг маълумотларига мослиги, ишда олинган илмий хулосалар ва натижаларнинг тегишли ишлаб чиқариш соҳаларида амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, унда олинган асосий илмий хулосалардан, хусусан, тоғ дарёлари оқимининг ҳосил бўлишига иқлимий омилларнинг таъсирини статистик баҳолашнинг муаллиф томонидан ишда қўлланилган усулидан бошқа ҳудудлардаги тоғ дарёлари оқими билан иқлимий омиллар орасидаги боғлиқликни тадқиқ этишда, иқлим илиши шароитида дарёлар оқими миқдорининг келажакда кутилаётган ўзгаришларини баҳолашнинг тадқиқотда қўлланилган ёндашувларидан гидрологик ҳисоблашлар ва прогнозлар усулларини такомиллаштиришда фойдаланиш имкониятлари мавжудлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, дарёлар сув ресурсларининг яқин келажак учун баҳоланган миқдорий қийматлари сув ва қишлоқ хўжалиги ҳамда иқтисодиётнинг турли тармоқларида сувдан янада самарали фойдаланиш, бошқа ҳавзалар дарёлари сув ресурсларини баҳолаш, уларни сув омборлари ёрдамида мавсумлараро қайта тақсимотини ташкил этишга қаратилган чоратadbирлар самарадорлигини оширишга, шунингдек, ишда қўлланилган услубий ёндашувлар ва диссертация материалларининг республика олий таълим тизимининг тегишли йўналишлари ва мутахассисликларида гидрология соҳаси фанларини ўқитиш сифатини оширишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тоғ дарёлари оқимини глобал иқлим ўзгаришининг Ўзбекистон шароитига мослаштирилган сценариялари асосида баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Чирчиқ-Оҳангарон ҳавзасида ҳаво ҳарорати ҳамда атмосфера ёғинларининг базавий ва жорий иқлимий даврлар учун ҳисобланган қийматларини ўзаро солиштириш натижалари асосида аниқланган ўзгаришларидан Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати агентлигида иқлим ўзгариши бўйича тезкор маълумотномаларни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлигининг 2023 йил 27 июлдаги 01-15/1316-сон маълумотномаси). Натижада иқлим ўзгариши ҳақида тайёрланадиган тезкор маълумотномалар матни ва уларнинг мазмунига аниқлик киритиш имконини берган;

Писком ва Чотқол дарёлари оқимининг метеорология омилларга, хусусан, мавсумий атмосфера ёғинлари ва ёзги ҳаво ҳароратига боғлиқлигини ифодаловчи кўп ҳадли регрессия тенгламаларидан Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати агентлигида Чорвоқ сув омборига мазкур дарёлардан вегетация даври, йил чораклари ва ойларида қуйиладиган оқим миқдорларини баҳолашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлигининг 2023 йил 27 июлдаги 01-15/1316-сон маълумотномаси). Натижада дарёлардан Чорвоқ сув омборига қуйиладиган оқим миқдорини баҳолаш усулларига аниқлик киритишнинг қўшимча имкониятлари яратилган;

дарёларнинг йиллик, вегетация даври ва унинг алоҳида ойлари оқимининг кўп ҳадли регрессия тенгламалари асосида аниқланган миқдорий кўрсаткичларидан “Картография” давлат илмий ишлаб чиқариш корхонасида Ўзбекистон Миллий Атласининг “Дарёларнинг тўйиниш манбалари” картасини тузишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлигининг 2023 йил 1 майдаги 08-03160-сон маълумотномаси). Натижада тўйиниш манбаларига боғлиқ ҳолда, дарёлар сув ресурсларини тезкор миқдорий баҳоланишнинг қўшимча имкониятлари яратилган;

дарёлар оқимининг глобал иқлим ўзгаришининг Ўзбекистон шароитига мослаштирилган сценариялари асосида яқин келажак учун аниқланган миқдорий қийматларидан Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати

агентлигида Чирчиқ-Оҳангарон ҳавзаси дарёларидан келажакда Чорвоқ ва Оҳангарон сув омборларига куйилиши мумкин бўлган оқим миқдорларини баҳолашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлигининг 2023 йил 27 июлдаги 01-15/1316-сон маълумотномаси). Натижада Чирчиқ-Оҳангарон ҳавзаси дарёлари сув ресурсларидан сув омборлари ёрдамида фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича истиқболга мўлжалланган чора-тадбирлар режасига аниқлик киритиш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий натижалари 14 та халқаро ва 4 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш, шулардан 2 та монография (ҳаммуаллифликда), Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида бажарилган тадқиқот иши мавзуининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, мавзуининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги қайд этилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баҳоланган, ишнинг мақсади ва вазифалари аниқланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, уларнинг амалиётда жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **биринчи боби «Чирчиқ-Оҳангарон ҳавзасининг табиий шароити, гидрометеорология ўрганилганлиги ва таянч кузатиш пунктларини танлаш»** деб номланган. Мазкур бобда, дастлаб, Чирчиқ-Оҳангарон ҳавзаси табиий-географик шароитининг ўзига хос хусусиятлари, жумладан, дарёлар ҳавзаларининг географик ўрни, геологик тузилиши ва рельефи, орографияси, иқлим шароити, тупроқ ва ўсимлик қоплами ҳамда гидрографик тармоқларига тавсиф берилган. Сўнг, ҳавзанинг гидрологик ва метеорология ўрганилганлиги, шунингдек, тадқиқотда фойдаланилган гидрометеорология маълумотларнинг аниқлиги ва ишончлилиги баҳоланган. Бобнинг якунида асосий эътибор, тадқиқот жараёнида маълумотлари асос бўлиб хизмат қиладиган, таянч гидрометеорология кузатиш пунктларини танлашга қаратилган.

Тадқиқотда Чирчиқ-Оҳангарон ҳавзасининг табиий географик шароити

дарёлар оқими ҳосил бўлиши нуқтаи-назаридан ўрганилган. Ҳавза табиий шароитининг ўзига хос хусусиятлари – унинг шарқда баланд тоғ тизмаларининг, ғарбида тоғолди текисликларининг мавжудлигида, уларда ҳаво ҳарорати ва ёғин миқдорларининг баландлик бўйича ўзгаришларида, дарёларининг тўйинишида тоғ музликларининг, доимий қорликлар, мавсумий қор қоплами, ёмғир сувлари ва ер ости сувларининг иштирок этишида ва бошқаларда акс этади.

Диссертацияда, ишнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, тегишли таҳлиллар асосида, 21 та гидрологик постлар таянч ҳисоб пунктлари сифатида танлаб олинган. Ушбу постлар, биринчидан, уларда дарёларнинг табиий гидрологик режими элементлари устида кузатишлар олиб борилиши, иккинчидан, дарёлар ҳавзаларининг ўлчамлари, ўртача баландликлари ва, энг муҳими, кузатишлар давомийлиги бўйича ҳам белгиланган талабларга мос келади. Ҳавзада турли йилларда, турли баландликларда жойлашган 37 та метеорология пунктларда кузатишлар олиб борилган (1-жадвал).

1-жадвал

Чирчиқ-Оҳангарон ҳавзасида метеорология кузатиш пунктларининг баландликлар бўйича тақсимланиши

Т.р.	Баландликлар оралиқлари, м	Метеопунктлар сони	Минимал ва максимал баландликлари, м
1	200-400	9	278 - 400
2	401-600	2	473 - 477
3	601-800	2	668 - 781
4	801-1000	9	803 - 1000
5	1001-1200	5	1031 - 1161
6	1201-1400	3	1256 – 1400
7	1401-1600	1	1464
8	1601-1800	2	1700 - 1800
9	1801-2000	0	-
10	2001-2200	4	2001 – 2124
ҳаммаси		37	278-2124

Амалга оширилган корреляцион таҳлиллар натижасида 7 та (Янгийўл (Қовунчи), Тошкент, Туябўғиз, Писком, Сўқоқ, Дуқант, Ойгаинг) метеорология станциялар таянч кузатиш пунктлари сифатида танлаб олинган.

Таянч гидрологик постларда ўлчанган сув сарфларида аниқланган айрим қисқа муддатли узилишлар аналог дарёлар ёрдамида тикланган ёки қисқа кузатиш қаторлари узайтирилган. Аналог дарёни танлаш мақсадида корреляцион таҳлил ўтказилган. Стандарт дастур асосида, компьютерда амалга оширилган ҳисоблашлар натижасида аниқланган 174 та жуфт корреляция коэффициентларининг қийматлари $r=0,742\pm 0,059\div 0,947\pm 0,014$ оралиқда ўзгарган. Ушбу натижалар гидрологик тадқиқотларда аналог сифатида танлаб олинган дарёларга қўйиладиган барча талабларга тўла мос келишидан дарак беради.

Диссертация ишининг «**Хавзада асосий метеорология кўрсаткичларнинг иқлим илиши шароитидаги ўзгаришларини баҳолаш**» деб номланган **иккинчи бобида**, иқлимнинг илиб бориши шароитида, Чирчиқ-Оҳангарон ҳавзасида асосий метеорология кўрсаткичларнинг миқдорий ўзгаришлари баҳоланган. Дастлаб, глобал ҳамда маҳаллий миқёсдаги иқлим ўзгаришларига бағишланган тадқиқотлар ва уларда эришилган натижалар таҳлил қилинган, уларга қисқача тавсиф берилган. Сўнг иқлим илиши шароитида Чирчиқ-Оҳангарон ҳавзасида ҳаво ҳарорати ва атмосфера ёғинларидаги ўзгаришларни миқдорий баҳолашга алоҳида эътибор қаратилган. Шу мақсадда, юқорида танлаб олинган 7 та метеорология станцияларининг маълумотлари асосида ҳаво ҳарорати ва атмосфера ёғинларининг кўрсаткичлари жорий ва базавий иқлим даврлар учун аниқланган, натижалар ўзаро солиштирилган (2-жадвал).

2-жадвал

Хавзада ўртача кўп йиллик ($T_{\text{й}}$) ва вегетация ($T_{\text{в}}$) даври ҳаво ҳароратларининг турли иқлимий даврлардаги ўзгаришлари, °С

Т.р.	Метеорология станциялари	Баландик, Н, м	БИД		ЖИД		Ҳароратлар фарқи	
			$T_{\text{й}}$	$T_{\text{в}}$	$T_{\text{й}}$	$T_{\text{в}}$	$\Delta T_{\text{й}}$	$\Delta T_{\text{в}}$
1	Янгийўл (Қовунчи)	341	13,4	22,1	14,6	23,3	1,2	1,2
2	Тошкент	466	14,1	22,4	15,2	23,2	1,1	0,8
3	Туябўғиз	500	14,1	22,8	15,2	23,4	1,1	0,6
4	Писком	1258	9,5	17,2	9,8	17,4	0,3	0,2
5	Сўқоқ	1351	10,8	17,8	11,6	18,7	0,8	0,9
6	Дукант	2001	7,7	14,6	8,5	15,3	0,8	0,7
7	Ойгаинг	2151	2,3	10,2	3,0	10,7	0,7	0,5
Σ			71,9	127,3	77,9	132,0	6,0	4,7
Ўртача			10,2	18,2	11,1	18,9	0,9	0,7

Изоҳ: БИД – базавий (1961-1990 йй.) ва ЖИД – жорий (1991-2020 йй.) иқлимий даврлар; $T_{\text{й}}$ – ўртача йиллик ҳаво ҳарорати; $T_{\text{в}}$ – вегетация давридаги ўртача ҳаво ҳарорати.


Чирчиқ-Оҳангарон ҳавзасида жойлашган, таянч метеорология станцияларида ўлчанган ҳаво ҳарорати ва атмосфера ёғинлари ҳақида тўпланган кўп йиллик маълумотлар таҳлил қилинган ва айрим метеостанциялардаги кузатувлар узилишлари тикланиб, улар 1961-2020 йилларни қамраб олган бир жинсли қаторларга келтирилган. Ушбу гидрометеорология маълумотлар икки даврга, яъни базавий (БИД, 1961-1990 йй.) ва жорий (ЖИД, 1991-2020 йй.) иқлимий даврларга бўлиб таҳлил қилинган.

Таянч метеорология станцияларида кузатилган йиллик ($T_{\text{й}}$) ва вегетация даври ($T_{\text{в}}$) ҳаво ҳароратларининг БИД ва ЖИДлардаги ўртача кўп йиллик қийматлари аниқланган. Уларнинг фарқлари асосида иқлим илиши шароитида ҳаво ҳароратидаги ўзгаришлар $0,9^{\circ}\text{C}$ га тенг деб баҳоланган (2-жадвал).

Ҳаво ҳароратидаги ўзгаришларнинг энг катта қиймати Янгийўл (Қовунчи) метеорология станциясига тегишли бўлиб, $\Delta T_{\text{й}}=1,2^{\circ}\text{C}$ га, энг кичик қиймати эса

Писком метеорология станциясида қайд этилган ва у $\Delta T_{\text{й}}=0,3 \text{ }^{\circ}\text{C}$ га тенг бўлган.

Диссертация ишида ҳавза бўйича вегетация даври ҳаво ҳароратларининг БИД ва ЖИДлардаги ўзгаришлари ҳам таҳлил қилинган. Ҳаво ҳароратининг ҳавзадаги барча метеорология станциялари маълумотлари асосида аниқланган миқдорий ўзгаришларининг ўртача қийматлари $\Delta t_{\text{в}}=0,7 \text{ }^{\circ}\text{C}$ ни ташкил этган (1-расм)



1-расм. Ҳавзада ўртача кўп йиллик ($T_{\text{й}}$) ва вегетация даври ($T_{\text{в}}$) ҳаво ҳароратларининг БИД ва ЖИДларда баландлик бўйича ўзгаришлари

Ўрганилаётган ҳавзада йиллик атмосфера ёғинлари ($X_{\text{й}}$) ва уларнинг ташкил этувчилари – қишки ($X_{\text{к}}$) ва ёзги ($X_{\text{ё}}$) ёғин миқдорларининг иқлим илиши шароитидаги ўзгаришлари ҳам баҳоланган. Бажарилган ҳисоблашлар натижалари таҳлилларининг кўрсатишича, энг катта фарқлар Сўқоқ ва Дукант метеорология станцияларида қайд этилган. Уларда ЖИДда йиллик ёғинларнинг ўлчанган миқдорлари БИДга нисбатан, мос равишда, 107 мм ва 79 мм га кўп бўлган (3-жадвал).

3-жадвал


Чирчиқ-Оҳангарон ҳавзасида йиллик ($X_{\text{й}}$), қишки ($X_{\text{к}}$) ва ёзги ($X_{\text{ё}}$) ёғин миқдорларининг иқлим илиши шароитидаги ўзгаришлари, мм

Т.р.	Метеорология станцияси	БИД			ЖИД			Миқдорий ўзгаришлари		
		$X_{\text{й}}$	$X_{\text{к}}$	$X_{\text{ё}}$	$X_{\text{й}}$	$X_{\text{к}}$	$X_{\text{ё}}$	$\Delta X_{\text{й}}$	$\Delta X_{\text{к}}$	$\Delta X_{\text{ё}}$
1	Янгийўл (Ковунчи)	337	249	88	355	257	98	18	8	10
2	Тошкент	409	300	109	461	329	132	52	29	23
3	Туябўғиз	385	282	103	440	295	115	25	13	12
4	Писком	820	568	252	885	600	285	65	32	33
5	Сўқоқ	797	537	260	904	608	296	107	71	36
6	Дукант	873	589	284	952	642	310	79	53	26
7	Ойгаинг	732	455	277	759	462	297	27	7	20
Σ		4353	2980	1373	4726	3193	1533	373	213	160
Ўртача		622	426	196	675	456	219	53	30	23

Қишки ёғин миқдорлари ўрганилган иқлимий даврларда, турли метеорология станцияларида 7÷71 мм оралиқда ортган. Ҳавзада ёзги ёғин миқдорларининг ўзгаришлари ҳам уларнинг ҳар икки иқлимий даврлар учун

ҳисобланган миқдорларини солиштириш йўли билан аниқланган. Масалан, Дукант метеорология станциясида кузатишган ёзги ёғинлар миқдорлари ЖИДда БИДга нисбатан 26 мм га ортган (2-расм).

Чирчиқ-Оҳангарон ҳавзасида ҳаво ҳарорати ва атмосфера ёғинларининг тадқиқот жараёнида турли иқлимий даврлар учун ҳисобланган миқдорларини солиштириш натижасида аниқланган фарқлари дарёлар оқимини яқин 30 йиллик келажақ учун баҳолашда асос бўлиб хизмат қилган.



2-расм. Йиллик ($X_{й}$), қишки ($X_{к}$) ва ёзги ($X_{ё}$) ёғинлар миқдорларининг БИД ва ЖИДда баландлик бўйича ўзгаришлари

Диссертациянинг учинчи боби «Ҳавза дарёлари оқими билан иқлимий омиллар орасидаги боғланишларни статистик баҳолаш» деб номланган. Диссертация ишининг мазкур бобида Чирчиқ-Оҳангарон ҳавзаси дарёлари оқими кўрсаткичлари – сув сарфлари билан иқлимий омиллар, яъни ҳаво ҳарорати ва атмосфера ёғинлари орасидаги боғлиқликлар тадқиқ этилган. Дастлаб, дарёлар оқимининг ҳосил бўлишига иқлимий омилларнинг таъсирини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар натижалари асосида, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган. Сўнгра, дарёлар оқимига атмосфера ёғинлари ва ҳаво ҳароратининг биргаликдаги таъсири статистик баҳоланган. Бобнинг якунида дарёлар оқими билан гидрометеорология омиллар орасидаги кўп ҳадли боғланишларнинг регрессия тенгламалари тузилган ва уларнинг аниқлиги баҳоланган.


Дарёларнинг ўртача йиллик сув сарфлари ($Q_{й}$) билан қишки ($X_{к}$) ва ёзги ($X_{ё}$) ёғинлар ҳамда ёзги ҳаво ҳарорати ($t_{ё}$) орасидаги кўп ҳадли боғланишлар Г.А.Алексеев усулида статистик баҳоланган. Ҳисоблашлар натижалари асосида ҳар бир дарё учун нормаллаштирилган регрессия тенгламалари тузилган.

Нормаллаштирилган регрессия тенгламаларининг аниқлигини ифодаловчи тўлиқ коррелция коэффициентларининг қийматлари нисбатан катта бўлиб, $r_0 = 0,684 \pm 0,102 \div 0,970 \pm 0,011$ оралиқда ўзгаради. Шу туфайли улардан Чирчиқ-Оҳангарон ҳавзаси дарёлари оқим миқдорларини баҳолаш масалалари билан боғлиқ бўлган гидрологик ҳисоблашлар ва прогнозлар амалиётида фойдаланиш тавсия этилган.

Тадқиқотда, самарали аргументларни аниқлаш мақсадида, дарёлар йиллик оқимининг ҳосил бўлишига метеорология омилларнинг қўшган ҳиссалари

$[\delta(X_k), \delta(X_{\bar{\epsilon}}), \delta(t_{\bar{\epsilon}})]$ баҳоланган (3-расм).

Бу жарёнга қишки ёғинларнинг қўшган ҳиссалари катта бўлиб, уларнинг қийматлари турли дарёларда 47÷82 фоиз ораликда ўзгаради. Ёзги ёғинларнинг ҳиссалари эса қишки ёғинларга нисбатан бир мунча камдир. Уларнинг ҳиссалари Ойгаинг дарёсида 14% дан Наволисойда 40% гача ортади. Ёзги ҳаво ҳароратининг нормаллаштирилган регрессия тенгламаларига қўшган улушлари янада кичик бўлиб, 2÷9% ораликда ўзгарган.



3-расм. Дарёлар оқимининг ҳосил бўлишига метеорология омилларнинг қўшган ҳиссалари

Диссертациянинг «**Хавза дарёлари оқимини иқлимий омилларга боғлиқ ҳолда узоқ муддатли прогнозлаш**» деб номланган **тўртинчи бобида**, дастлаб, дарёлар оқимини иқлимий омилларга боғлиқ ҳолда миқдорий баҳолаш масалалари ёритилган. Сўнгра, тоғ дарёлари оқимини узоқ муддатли прогнозлашнинг ўзига хос хусусиятлари кўриб чиқилган. Бобнинг якунида асосий эътибор дарёларнинг вегетация даври ва унинг алоҳида ойлари оқимини узоқ муддатли прогнозлаш масалаларига қаратилган.

Дарёларнинг сув сарфлари қаторларидаги узилишларни тиклаш мақсадида уларнинг ўртача ойлик, вегетация даври ва йиллик сув сарфлари орасидаги боғланишлар статистик баҳоланган. Ушбу боғланишларнинг жуфт корреляция коэффицентлари ва улар хатоликларининг қийматлари Писком ва Угом дарёлари жуфтлигида $r=0,785 \pm 0,046 \div 0,933 \pm 0,037$ ораликдаги, Охангарон ва Угом дарёлари жуфтлигида эса $r=0,588 \pm 0,068 \div 0,898 \pm 0,035$ ораликдаги қийматларни қабул қилган.

Дарёларнинг вегетация даври ўртача сув сарфлари (Q_v) билан қишки (X_k) ва ёзги ($X_{\bar{\epsilon}}$) ёғинлар ҳамда ёзги ҳаво ҳарорати ($t_{\bar{\epsilon}}$) орасидаги кўп ҳадли боғланишлар статистик баҳоланган. Ушбу боғланишларнинг нормаллаштирилган регрессия тенгламалари тузилиб, уларнинг аниқлиги баҳоланган. Аргументларнинг нормаллаштирилган регрессия тенгламаларига қўшган ҳиссалари ҳисобланиб,

самарали предикторлар аниқланган. Нормаллаштирилган регрессия тенгламалари, самарали предикторларни ҳисобга олган ҳолда, қайта тузилган (4-жадвал).

Ҳисоблашлар натижалари асосида тузилган регрессия тенгламалари вегетация даври оқими (Q_v)ни ҳисоблаш ва прогнозлаш мақсадидаги номограммани Писком дарёси мисолида қуриш имконини берди (5-расм).


4-жадвал

Самарали аргументларни ҳисобга олган ҳолда қайта тузилган нормаллаштирилган регрессия тенгламалари ва уларнинг аниқлиги

Т.р.	Дарё – пост	Регрессия тенгламалари	$r_0 \pm \sigma_{r_0}$
1	Писком – Муллала қ.	$U_0(Q_v) = 0,742 \cdot U_1(X_k) + 0,289 \cdot U_2(X_{\bar{e}})$	$0,893 \pm 0,038$
2	Угом – Хўжакент қ.	$U_0(Q_v) = 0,585 \cdot U_1(X_k) + 0,473 \cdot U_2(X_{\bar{e}})$	$0,883 \pm 0,042$
3	Оҳангарон – Эртош д.к.	$U_0(Q_v) = 0,632 \cdot U_1(X_k) + 0,374 \cdot U_2(X_{\bar{e}})$	$0,849 \pm 0,053$

Изоҳ: $r_0 \pm \sigma_{r_0}$ – тўлиқ корреляция коэффиценти ва унинг хатолиги.

Мазкур номограмма ёрдамида, дастлаб, дарёларнинг вегетация даври оқими миқдорлари аниқланган. Ушбу ҳисоблашлар, яъни Q_v ни аниқлаш абсолют хатоликларининг ўртача қийматлари $-3,2 \div 0,81 \text{ м}^3/\text{с}$, нисбий хатоликлариники эса $-7,29 \div 1,24 \%$ оралиқларда ўзгарди (5-жадвал).



5-расм. Писком дарёси вегетация даври оқими (Q_v)ни ҳисоблаш ва прогнозлаш номограммаси

Вегетация давридаги ўртача сув сарфларининг (Q_v) номограммадан аниқланган (Q_{vx}) қийматлари хатоликлари

Т.р.	Дарё – кузатиш пости	Ўзгарувчиларнинг энг катта ва энг кичик қийматлари				Хатоликлар	
		$Q_v, \text{ м}^3/\text{с}$	$X_k, \text{ мм}$	$X_{\bar{e}}, \text{ мм}$	$Q_{vx}, \text{ м}^3/\text{с}$	$E_a, \%$	$E_n, \%$
1	Писком – Муллала қ.	81,6÷221	274÷1257	73÷485	84-219	-3,2	-4,3
2	Угом – Хўжакент қ.	19÷66			19,2-64,2	0,81	1,24
3	Оҳангарон – Эртош д.қ.	9,8÷72,7			13,8-65,8	-0,20	-7,29

Изоҳ: Q_v – кузатилган сув сарфлари; E_a ва E_n – абсолют ва нисбий хатоликлар.

Дарёлар вегетация даври оқимини узоқ муддатли прогнозлаш услубининг аниқлиги, самарадорлиги мезони ва сифати «Гидрологик прогнозлаш бўйича қўлланма» талаблари асосида баҳоланди (6-жадвал).

Дарёлар вегетация даври оқимини прогнозлаш услубининг аниқлиги ва сифатини баҳолаш

Т.р.	Дарё – пост	Тенгламаларнинг статистик параметрлари			Прогнозлаш услубининг сифати ва таъминланиши				
		$r_0 \pm \sigma_{r_0}$	α_{01}	α_{02}	σ	δ_m	S	S/σ	$P, \%$
1	Писком – Муллала қ.	0,893±0,038	0,742	0,289	29,5	19,9	17,2	0,58	83,3
2	Угом – Хўжакент қ.	0,883±0,042	0,585	0,473	9,9	6,7	2,7	0,27	96,6
3	Оҳангарон – Эртош д.қ.	0,849±0,053	0,632	0,374	12,8	8,6	6,3	0,49	86,6

Изоҳ: $r_0 \pm \sigma_{r_0}$ – тўлиқ корреляция коэффицентини ва унинг хатолиги; α_{01} ва α_{02} – регрессия коэффицентлари; σ – вегетация даври оқими (Q_v) кузатилган миқдорларининг ўртача квадратли четлашиши; δ_m – йўл қўйилиши мумкин бўлган хатолик; S – абсолют хатоликларнинг ўртача квадратли четлашиши; S/σ – прогнозлаш услубининг самаралилиги мезони; P – прогнозлаш услубининг таъминланиши.

Вегетация даври оқимини прогнозлаш услубининг самаралилиги мезони S/σ нинг қийматлари 0,27÷0,58 оралиқда ўзгарди. Демак, тадқиқотда дарёлар вегетация даври оқимини прогнозлаш мақсадида олинган боғланишлар гидрологик прогнозларга қўйиладиган талабларга тўла жавоб беради.

Тадқиқотда дарёларнинг вегетация давридаги алоҳида ойлари оқимини прогнозлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу масала ҳам диссертацияда Писком, Угом ва Оҳангарон дарёлари мисолида кўриб чиқилган.

Диссертация ишининг сўнгги бешинчи боби «Дарёлар оқими миқдорларини турли иқлим сценариялари асосида баҳолаш» деб номланган. Мазкур бобда жаҳондаги етакчи илмий марказларда ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон шароитига мослаштирилган иқлим сценариялари асосида Чирчиқ-Оҳангарон ҳавзаси дарёлари оқимини яқин келажак учун миқдорий баҳолаш масалалари ёритилган. Шу туфайли, дастлаб, иқлим ўзгариши шароитида дарёлар оқимини яқин ва узоқ келажак учун баҳолаш имконини берадиган иқлим сценариялари ҳақида маълумотлар келтирилган. Сўнгра, таянч объектлар сифатида танлаб олинган дарёлар оқимининг гидрологик кўрсаткичлари яқин

келажак учун баҳоланган. Бобнинг якунида асосий эътибор дарёлар оқимини турли иқлим сценариялари асосида баҳолаш усуллари аниқлигини ёритишга қаратилган.

Дарёларнинг асосий оқим кўрсаткичлари (K) – ўртача йиллик сув сарфи (Q , m^3/c), оқим ҳажми (W , m^3), оқим модули (M , $л/с км^2$) ва оқим қатлами (h , $мм$) миқдорлари турли иқлим сценариялари ва муаллиф маълумотлари бўйича аниқланган. Шу мақсаддаги ҳисоблашлар ишнинг III бобида олинган регрессия тенгламалари асосида амалга оширилган. Сўнг, уларнинг БИД учун аниқланган меъёрий қийматларига нисбатан фарқлари (Δ) абсолют ва нисбий қийматларда ҳисобланган (7-жадвал).

7-жадвал

Дарёлар оқими гидрологик кўрсаткичларининг турли иқлим сценариялари бўйича баҳоланган миқдорий ўзгаришлари

Оқим кўрсаткичлари	БИД, меъёр	Иқлим сценариялари								Муаллиф		
		СССМ		УКМО		GFDL		GISS				
		К	Δ	К	Δ	К	Δ	К	Δ	К	Δ	
Писком – Муллала қ., $F=2540 км^2$												
Q	m^3/c	77,6	65,8	-11,8	71,4	-6,2	75,9	-1,7	75,5	-2,1	74,8	-2,8
	%	100	85,8	15,2	92,0	8,0	97,8	2,2	97,3	2,7	96,4	3,6
W, $10^9 m^3$		2,448	2,075	0,373	2,252	0,196	2,394	0,054	2,382	0,068	2,360	0,088
M, $л/с·км^2$		30,6	25,9	4,7	28,1	2,5	29,9	0,7	29,7	0,9	29,5	1,1
h, мм		964	817	147	887	77	943	21	938	26	929	35
Угом – Хўжакент қ., $F=869 км^2$												
Q	m^3/c	21,5	17,8	-3,7	20,2	-1,3	20,8	-0,7	21,4	-0,1	21,9	0,4
	%	100	82,6	17,2	94,0	6,0	96,8	3,2	99,5	0,5	101,9	1,9
W, $10^6 m^3$		679	516	116	637	41,2	656	22,3	675	3,2	691	13,4
M, $л/с·км^2$		24,74	20,48	4,25	23,24	1,49	23,93	0,805	24,62	0,115	25,2	0,46
h, мм		781	594	133	733	47	754	25	775	35	794	14
Оҳангарон – Эртош д.қ., $F=1110 км^2$												
Q	m^3/c	19,2	14,9	4,3	18,4	-0,8	19,5	0,3	19,8	0,6	19,0	-0,2
	%	100	77,6	22,4	95,8	4,2	101,6	1,6	103,1	3,1	98,9	1,1
W, $10^6 m^3$		605	470	136	580	25,2	615	9,3	624	19,1	599	6,3
M, $л/с·км^2$		17,30	13,42	3,87	16,58	0,72	17,56	0,22	17,57	0,54	17,11	0,18
h, мм		545	422	123	522	22,5	554	8,1	562	16,2	539	5,4

Изоҳ: K – дарёлар оқим кўрсаткичларининг турли иқлим сценариялари бўйича ҳисобланган миқдорлари; Δ – ҳисобланган оқим кўрсаткичларининг иқлим сценариялари бўйича меъёрга нисбатан фарқи.

Тадқиқотда барча сценарияларда дарёлар оқими миқдорларининг келгуси 30 йиллик охирига бориб камайишлари кутилаётганлиги қайд этилган. Дарёлар оқимининг энг катта миқдорий камайишлари СССР ва УКМО моделларига тўғри келган. Жумладан, СССР сценарийсида, Писком дарёсида сув сарфининг камайиши $\Delta Q=11,8 m^3/c$ ёки БИДдаги меъёрга нисбатан 15,2 фоизни ташкил этган. Угом ва Оҳангарон дарёларида эса сув сарфларининг миқдорий камайишлари, мос равишда, $3,7 m^3/c$ (17,2 %) ва $4,3 m^3/c$ (22,4 %) га тенг бўлган. Дарёлар сув сарфларининг ушбу камайишларига мос бўлган ўзгаришлар, уларнинг йиллик оқим ҳажмлари, оқим модуллари ва оқим қатламларида ҳам акс

этган.

Тадқиқотда бажарилган ҳисоблашлар натижаларига кўра, Писком дарёсида сув сарфининг камайиши $\Delta Q=2,8 \text{ м}^3/\text{с}$ ёки БИДдаги меъёрга нисбатан 3,6 фоизни ташкил этган. Шунингдек, Оҳангарон дарёсида сув сарфининг ушбу миқдорий камайиши $0,2 \text{ м}^3/\text{с}$ (1,1%)га тенг бўлган. Лекин Угом дарёсида, юқоридагилардан фарқли равишда, яқин 30 йиллик келажакда сув сарфининг $0,4 \text{ м}^3/\text{с}$ (1,9%)га ортиши кутилмоқда.

Дарёлар ўртача йиллик сув сарфларининг ушбу камайишлари ва ортишларига мос бўлган миқдорий ва нисбий ўзгаришлари, уларнинг йиллик оқим ҳажмлари, оқим модуллари ва оқим қатламларида ҳам акс этган.

ХУЛОСА

1. Чирчиқ-Оҳангарон ҳавзасидаги 21 та табиий сув режимига эга бўлган дарёлар танлаб олинган. Мазкур дарёлардаги гидрологик постларда кузатилган сув сарфи маълумотлари таҳлил қилиниб, улардаги узилишлар аналог дарёлар ёрдамида тикланган. Шу мақсадда қўлланилган регрессия тенгламаларининг аниқлиги $0,717 \div 0,977$ ораликда ўзгарадиган 174 та жуфт корреляция коэффициентлари билан ифодаланган.

2. Дарёлардаги гидрологик постларда ўлчанган ўртача йиллик сув сарфлари ($Q_{\text{й}}$) билан қишки ($X_{\text{к}}$) ва ёзги ($X_{\text{ё}}$) ёғинлар ҳамда ёзги ҳаво ҳарорати ($t_{\text{ё}}$) орасидаги кўп ҳадли боғланишлар Г.А.Алексеев усулида статистик баҳоланган. Ҳар бир дарё учун нормаллаштирилган регрессия тенгламалари тузилган. Ушбу тенгламаларнинг аниқлигини ифодаловчи тўлиқ корреляция коэффициентлари, Шоввасойни ($r_0=0,684$) ҳисобга олмаганда, $r_0=0,756 \pm 0,083 \div 0,970 \pm 0,011$ ораликда ўзгарган.

3. Дарёлар йиллик оқимининг ҳосил бўлишига метеорология омилларнинг кўшган ҳиссалари баҳоланган. Ҳисоблашлар натижалари таҳлилларига кўра, бу жараёнда қишки ёғинларнинг ҳиссалари катта бўлиб, уларнинг қийматлари турли дарёларда $52 \div 82$ фоиз ораликда ўзгарган. Ёзги ёғинларнинг ҳиссалари эса қишки ёғинларга нисбатан кам бўлиб, 14 фоиздан 44 фоизгача ўзгарган. Ёзги ҳаво ҳароратининг улушлари янада кичик бўлиб, улар $4 \div 9$ фоизни ташкил этган.

4. Дарёларнинг вегетация даври ўртача сув сарфлари ($Q_{\text{в}}$) билан қишки ($X_{\text{к}}$) ва ёзги ($X_{\text{ё}}$) ёғинлар ҳамда ёзги ҳаво ҳарорати ($t_{\text{ё}}$) орасидаги кўп ҳадли боғланишлар статистик баҳоланган, уларнинг нормаллаштирилган регрессия тенгламалари тузилиб, аниқлиги баҳоланган. Вегетация даври оқимини ушбу тенгламаларга асосланган прогнозлаш услубининг самаралилиги мезони S/σ нинг қийматлари $0,27 \div 0,58$ ораликда ўзгарган.

5. Дарёларнинг вегетация давридаги алоҳида ойлари оқими билан уларнинг ҳосил бўлишига таъсир этувчи ойлик ва мавсумий атмосфера ёғинлари ҳамда олдинги ойдаги сув сарфлари орасидаги кўп ҳадли боғланишлар статистик баҳоланган. Вегетация давридаги алоҳида ойлар оқимининг Писком дарёси мисолидаги прогнозлари ҳар бир ой учун қурилган номограммалар асосида амалга оширилган. Мазкур прогнозлаш услубининг самаралилиги мезони S/σ нинг қийматлари $0,28 \div 0,34$, таъминланиши эса $90 \div 96,7\%$ ораликларда ўзгарган.

6. Гидрометеорология катталикларнинг БИДда кузатилган меъёрий қийматларига нисбатан миқдорий ўзгаришлари турли иқлим сценариялари ва муаллиф маълумотлари бўйича баҳоланган. Баҳолашларда СССМ модели бўйича атмосфера ёғинлари миқдорининг камайиши, ёзги ҳаво ҳароратининг эса ортиши ҳисобга олинган. Ушбу сценарийдан фарқли равишда UKMO, GFDL ва GISS моделлари бўйича яқин 30 йиллик келажакда ҳаво ҳарорати ва атмосфера ёғинлари миқдорининг ортиши кўзда тутилган.

7. Тадқиқотда бажарилган ҳисоблашлар натижаларининг таҳлилларига кўра, яқин 30 йиллик келажакда Чирчиқ-Оҳангарон ҳавзасига тушадиган қишки ёғинлар миқдори БИДга нисбатан 48 мм га, ёзги ёғинлар миқдорининг эса 31 мм га ортиши, ҳаво ҳароратининг эса 1,8 °C га кўтарилиши кутилмоқда. Атмосфера ёғинлари ва ҳаво ҳароратининг ушбу қийматларига таянган ҳолда, турли иқлим сценариялари бўйича дарёлар оқимининг миқдорий ўзгаришлари Писком, Угом ва Оҳангарон дарёлари мисолида баҳоланган.

8. Муаллиф томонидан бажарилган ҳисоблашлар натижаларига кўра, Писком дарёсида сув сарфининг яқин 30 йиллик келажакда БИДдаги меъёрга нисбатан камайиши $\Delta Q=2,8 \text{ м}^3/\text{с}$ (3,6 %)ни, Оҳангарон дарёсида эса $0,2 \text{ м}^3/\text{с}$ (1,1%) ни ташкил этади. Лекин, Угом дарёсида, юқоридагилардан фарқли равишда, яқин 30 йиллик келажакда сув сарфининг $0,4 \text{ м}^3/\text{с}$ (1,9%)га ортиши кутилмоқда. Дарёлар сув сарфларининг келажакдаги ушбу камайишлари ва ортишлари уларнинг йиллик оқим ҳажмлари, оқим модуллари ва оқим қатламларида ҳам акс этган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.27/30.12.2019.Gr.47.01 ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

ХАКИМОВА ЗИЛОЛА ФАЗЛИДИНОВНА

**ОЦЕНКА СТОКА ГОРНЫХ РЕК НА ОСНОВЕ
РАЗЛИЧНЫХ СЦЕНАРИЕВ ИЗМЕНЕНИЯ КЛИМАТА
(НА ПРИМЕРЕ ЧИРЧИК-АХАНГАРАНСКОГО БАССЕЙНА)**

11.00.03-Гидрология суши. Водные ресурсы. Гидрохимия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ГЕОГРАФИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент-2024

Тема диссертации доктора философии (PhD) по географическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за номером B2022.3.PhD/Gr212.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский-резюме) размещён на веб-странице Научного совета по адресу www.nigmi.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:	Юнусов Голиб Ходжаевич доктор географических наук, доцент
Официальные оппоненты:	Муродов Шухрат Одилович доктор технических наук, профессор Пирназаров Равшан Топволдиевич кандидат географических наук, доцент
Ведущая организация:	Национальный исследовательский университет «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства»

Защита диссертации состоится «23» февраля 2024 г. в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней DSc.27/30.12.2019.Gr.47.01 при Научно-исследовательском гидрометеорологическом институте (Адрес: 100052, г.Ташкент, ул. 1-й проезд Бодомзор йули, 72. Тел.: (+998) 71 2358512, факс: (+998) 71 2371319, E-mail: info@nigmi.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Научно-технической библиотеке Научно-исследовательского гидрометеорологического института (зарегистрирована за №212). Адрес: 100052, г.Ташкент, ул. 1-й проезд Бодомзор йули, 72. Тел.: (+998) 712358512, факс: (+998) 71 2371319, E-mail: info@nigmi.uz).

Автореферат диссертации разослан «8» февраля 2024 года.
(реестр протокола рассылки № ___ от «8» февраля 2024 года).



Б.М.Холматжанов
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.г.н., профессор

Б.Э.Ишонов
Учёный секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней,
к.т.н., старший научный сотрудник

Х.Т.Эгамбердиев
Председатель научного семинара при Научном
совете по присуждению ученых степеней,
д.г.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Процесс потепления климата, протекающий в мире глобальном масштабе, оказывает негативное воздействие на природную среду, особенно на ее продукт - ресурсы пресной воды. В связи с этим, во Всемирном докладе ООН отмечается, что «Последние 40 лет глобальное использование водных ресурсов возрастает примерно на 1% в год и, как ожидается, будет расти такими темпами вплоть до 2050 г. в результате совокупного воздействия таких факторов, как увеличение народонаселения, социально-экономическое развитие и изменение моделей потребления»¹. Такая ситуация отрицательно влияет на процессы формирования стока рек, его количество и качество. Данное положение требует проведения исследований, направленных на оценку водных ресурсов рек на ближайшее будущее с учетом ожидаемых изменений климата.

В мире проводятся научные исследования по оценке изменения климата и его влияния на состояние поверхностных водных объектов, выявлению климатических факторов, вызывающих дефицит водных ресурсов и, как его результат – по явлению гидрологической засухе. В этом отношении особое внимание уделяется разработке климатических моделей и на их основе климатических сценариев, которые позволят оценить водные ресурсы рек на ближайшую перспективу, а также повышению эффективности использования водных ресурсов рек в целях устойчивого развития и смягчения проблемы дефицита воды.

В нашей стране, в целях обеспечения более эффективного использования водных ресурсов рек в отраслях экономики, являющихся водопотребителями и водопользователями, реализуется ряд организационных мер и достигнуты определенные позитивные результаты. В Стратегии развития Нового Узбекистана «Коренное реформирование механизмов использования водных ресурсов, обеспечение их рационального и эффективного использования»² намечены как важные задачи. При реализации этих задач вопросы, оценки изменения климата в речных бассейнах на основе данных метеорологических наблюдений, выявления связей между стоком рек и климатическими факторами, совершенствования методов расчетов, связанных с применением климатических сценариев, разработанных в ведущих мировых научных центрах для оценки стока рек на перспективу имеют важное научно-практическое значение.

Диссертационное исследование в определённой степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан №УП-5742 от 17 июня 2019 года «О мерах по рациональному использованию земельных и водных ресурсов», №УП-6024 от 10 июля 2020 года «Об утверждении концепции развития водного хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы», №УП-60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы» и в Постановлении

¹ Всемирный доклад Организации Объединённых Наций о состоянии водных ресурсов, 2023 год. Водные ресурсы мира: спрос, наличие, качество. www.unesco.org/water/wwap.

²Указ Президента Республики Узбекистан №УП-60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы». <https://www.lex.uz>.

Президента Республики Узбекистан №ПП-107 от 1 апреля 2023 года «О неотложных мерах по повышению эффективности использования водных ресурсов» и другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики: V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Исследования, посвященные изучению вопросов физико-географических, в том числе, климатических факторов формирования водных ресурсов в бассейнах рек, расположенных в засушливых регионах мира и реакция их гидрологического режима на глобальные и локальные изменения климата рассмотрены в работах L.Alfieri, B.Bisselink, F.Dottori, G.Naumann, K.Wyser, Ya.Kong, Z.Pang, A.Al-Alsheikh и других зарубежных учёных. Исследованием данной проблемы также занимались ученые бывшего Союза и СНГ – Т.С.Абалян, С.К.Аламанов, М.Н.Большаков, М.И.Будыко, А.И.Воейков, В.Г.Глушков, А.С.Монин, Е.В.Петряшова, И.С.Соседов, Д.П.Соколов, Д.А.Бураков, О.И.Литвинова, Н.А.Мусатов и другие. Ими оценены величины стока рек за разные фазы водного режима в зависимости от климатических факторов и рассмотрены вопросы повышения эффективности использования результатов этих исследований в ирригации, водном хозяйстве, гидроэнергетике и других отраслях экономики.

В Узбекистане первые исследования, посвященные оценке стока рек в зависимости от климатических факторов выполнены Э.М.Ольдекопом, Л.К.Давыдовым. В последующем этим вопросом занимались В.Л.Шульц, О.П.Щеглова, З.П.Джорджию, Е.И.Гирник, П.М.Машуков, А.М.Овчинников, Д.Х.Салихова, Г.Е.Глазырин, В.Е.Чуб, Г.Н.Трофимов и другие. В настоящее время среди исследований, направленных на изучение изменения климата и его влияния на водный режим и сток рек, заслуживают особого внимания работы М.Л.Арушанова, Б.К.Царева, С.В.Мягкова, Ф.Хикматова, Л.М.Карандаевой, Н.З.Сагдеева, Г.Х.Юнусова, С.А.Хайдарова, Д.М.Тургунова, Р.Р.Зияева, Н.Б.Эрлапасова и других.

В исследованиях вышеупомянутых ученых влияние климатических факторов на сток рек изучалось на примере крупных рек. Однако, ими не рассмотрены вопросы оценки стока горных рек на основе различных сценариев изменения климата, разработанных в научных центрах мира. Данная диссертация отличается от вышеупомянутых исследований тем, что она посвящена изучению данной проблемы на примере рек Чирчик-Ахангаранского бассейна.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках фундаментального и международного совместного проектов плана научно-исследовательских работ Национального университета Узбекистана: ОТ-Ф5-13–

«Исследование закономерностей формирования гидрологического режима и водных ресурсов рек Узбекистана и сопредельных территорий в условиях изменения климата» (2017-2020 гг.); FZ-2020110111 – «Изменение климата, возобновляемые источники энергии и здоровье населения в Узбекистане» (Узбекистан-Германия, 2023-2025 гг.).

Целью исследования является оценка гидрологического режима и величины стока горных рек на ближайшую перспективу на основе различных сценариев глобального изменения климата.

Задачи исследования:

